

*Хусанова Сожида - Рус тили ва адабиёти
факультети 206-гуруҳ талабаси,
Илмий раҳбар: Сапарова Замира – ЖДПИ
ўқитувчиси.*

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА БАДИИЙ ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда бадий ва илмий адабиётларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: маънавият, китоб, маданият, илмий адабиёт таълим, имконият.

Аннотация: В статье обсуждается важность художественной и научной литературы в воспитании высокодуховного человека.

Ключевые слова: духовность, книги, культура, научная литература, образование, возможность.

Annotation: The article discusses the importance of fiction and non-fiction in educating a highly spiritual person.

Keywords: spirituality, books, culture, scientific literature education, opportunity.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш - эзгу мақсадимиз.

Шавкат Мирзиёев

Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, халқига фидойи, аждодлари бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўлмайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз

керак",- деганларида ҳақ эдилар. Доим ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш, теран фикрлаш, юксак натижаларни қўлга киритиш, ватан равнақи учун ҳисса қўшишни олдига мақсад қилган ҳар бир инсон китоб билан ошно бўлиши зарур. Зеро, инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадига эришувида тафаккур бойлиги бўлмиш - китоб муҳим аҳамиятга эга. Инсон қанчалик маънавиятли, дунёқараши кенг бўлса, унинг фаолияти ҳам тафаккур дунёси каби умрбоқий бўлади. Чунки айнан эзгу хатти-ҳаракатларида унинг маънавий қиёфаси намоён бўлади. Китобни ўқиганда инсон ҳиссиётларининг жумбушга келиши, воқеалардан таъсирланиш, ғурур ва ифтихор ҳиссининг пайдо бўлиши унинг компьютерда интернетдан олинган маълумотлардан бир неча бор афзаллигини англатади.

Бугун нафақат олий таълим, балки умумий ўрта таълим муассасаларида ёшлар таълим-тарбияси, маънавий баркамоллигига эътиборнинг кучайтирилиши халқимизнинг ёшлар келажагига юксак ишонч билдираётганлигидан далолатдир.

Китобхонлик маданияти ҳақида сўз борар экан, Республика бизнинг барча таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилаётган "Энг яхши китобхон" маданий-маърифий танловини алоҳида айтиш ўринли бўлади, чунки китоб мутолааси ёшларни ҳаётга теран кўз билан қарашга, дунёда содир бўлаётган воқеалардан огоҳ бўлишга, юрт келажаги учун масъул эканликларини ҳис этишга чорлайди.

Бугунги кунда қандай китобларни мутолаа қилиш керак? - деган ўринли савол туғилиши мумкин...

Ушбу саволга жавобимиз: Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз", биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч", Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Ойбекнинг "Навоий", Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун", Фёдр Достонвскийнинг "Жиноят ва

жазо", Пауло Коэлонинг "Алкимёгар", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларини бугунги кун ёшлари албатта мутолаа қилиши лозим.

Ушбу адабиётларни ўқишни нега тавсия этмоқдасиз? - деган савол туғилиши табиий. Қачонки сиз китоб мазмуни ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, уни ўқиш учун тавсия эта оласиз ва унинг қийматини илмий асослаб бера оласиз. Фикр исботи билан деганларидек, шу ўринда, ушбу адабиётларнинг қисқача мазмунини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз" асарларида юртимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшган деҳқон-фермер, устоз-мураббий, санъаткор, шоир, илм-фан соҳаси вакиллари - замондошларимиз ҳақида, қолаверса, 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича вилоятларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида муълумотлар келтирилган. Асарни ўқир эканмиз, бугунги кунда юртимизда яшин тезлигида амалга оширилаётган буюк ишларнинг, янгиланишларнинг пойдевори айнан ушбу асарда келтирилганига гувоҳ бўламиз.

Кайковуснинг "Қобуснома" асарида оилада ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос ва моҳирона ёритилиши бугунги кун ёшлари учун ўрганишга арзигуликдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутудғу билиг" асарида инсоннинг кадр-қиммати инсонийликда экани, муомала маданияти ва этикет қоидалари, муаммолари ўзига хос ёритилгани, асарнинг панднома руҳида яратилгани билан китобхонга мутолаа учун мос манбадир.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида бош қаҳрамони бўлмиш Фарҳод қиёфасида эл-юрти учун жонини ҳам аямайдиган, барча эзгу инсоний фазилатларга эга комил инсон гавдаланган бўлиб, асар ёшлар онгида ватанпарварлик, инсонлар орасида меҳр-муҳаббат туйғулари камол топишда муҳим аҳамиятга эга.

Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида эса адибнинг тили билан айтганда, тарихимизнинг энг қора ва чиркин кунлари бўлган кейинги хон

заионлари акс этган. Шунингдек, ўзбек халқинг миллий қиёфасини акс этирувчи оилавий муносабатлар, фақат ўзбек халқига хос фарзанднинг ота-онага чексиз ҳурмати маҳорат билан тасвирланган.

Ойбекнинг "Навоий" романида Навоий образи орқали буюк мутафаккирнинг ўз дардида олийжаноблик ва адолат раҳнамоси бўлгани, бажарган эзгу ишлари унинг номини тарихга мангу муҳрлагани китобхон учун ибратлидир.

Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" романида еса Иккинчи жаҳон уруши, унинг барча дахшати ва қийинчиликлари моҳирона тасвирланган. Бундан ташқари, асарда ўзбек халқининг урушда кўрсатган жасорати, онанинг чексиз муҳаббати, сабр-тоқат ва қаноати, инсонларнинг, яъни, ўзбек халқининг соддалиги, самимияти, меҳнатсеварлиги-ю ватанпарварлиги, иродаси ёрқин ифодаланган.

Пауло Коэлонинг "Алкимёгар" асарида инсон тақдири, инсоннинг қандай яшаши, унинг орзу-умидлари, олдида қўйган мақсадларини амалга ошириши - унинг нияти ва ҳаракатига боғлиқ экани чўпон йигит Сантягонинг бошидан кечирган воқеалари орқали ёритиб берилган.

Фёдр Достонвскийнинг "Жиноят ва жазо" асарида университет талабаси Расколниковнинг моддий манфаат учун жиноятга қўл уриши ва унинг салбий оқибатлари орқали ҳаётда барча нарсалар пул билан ўлчанмаслиги, инсон ҳаётда ҳалол ва меҳнатсевар бўлиши лозимлиги асарнинг асосий ғоясини ташкил этади.

Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун" романида Эдигей Бўрон образи орқали инсон ҳаётга нима учун келиши, яшашдан асл мақсад нима экани маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Бугунги тезкор даврда инсон барча соҳада илғор бўлиши талаб этилади. Шунинг учун турли соҳага оид китобларни ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бадиий адабиётлар халқимизда хос олийжаноб фазилатларни шакллантирса, илмий адабиётлар юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимизга таянч бўлиб хизмат қилади. Бадиий адабиёт кишини эстетик завқлантирса, илмий адабиёт инсонни мантиқий фикрлашга ўргатади.

Менинг севимли китобларимдан бири Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асаридир. Асарда узок ўтмиш воқеалари, бугунги кунда юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, ёшлар келажаги йўлида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз боради. Асарни қайта-қайта ўқир эканман, Ўзбекистон диёрида туғилганимдан, дунё тан олган, ойга номи берилган - Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек каби буюк аждодлар вориси эканлигимдан фахр ҳиссини туяман. Асарда маънавиятнинг шаклланиш омиллари, ёшлар ҳаётида оила ва маҳалла роли, мактабнинг ўрни, таълим-тарбия масалалари, хусусан, фалсафа, тарих, маданиятшунослик, педагогика, адабиёт, мусиқа ва тасвирий санъат соҳаларига оид қимматли маълумотларнинг келтирилганлиги асарнинг қийматини оширган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, китоб билим манбаи, имконият ва муваффақият калити, эзгу мақсадлар сари чорловчи машъала. Фақат китобдан тўғри мақсадда фойдалана олсакгина!

Китоб мутолааси нутқ равонлигини таъминлайди, теран фикрлашга, воқеалар ҳақида тўғри хулоса чиқаришга ўргатади. Китоб билан дўст тутинган қалблар буюк яратувчанлик қобилиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам доимо ўқиб-ўрганиш, ўрганилган билимларни фақат яхшилик йўлида сарфлаш, доимо ибратли инсон бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Бировга яхшилик қилган одамга албатта яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса, боласига, набираларига қайтади. Бу фикр бу ғояни айниқса, Энди катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар унутмасдан, умр бўйи бунга амал қилиб яшаса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Китоб ёшлар онгида маънавий қиёфани шакллантиришга хизмат қиладиган муҳим восита эканлиги уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

2. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. И. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият уйи, 2008.
4. И. Каримов. Она юртимиз бахти, иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015.